






# Тожикистондаги офтобли товуқ фермаларида түхүм маҳсулоти етиштириш

Фермерларга маслаҳатлар



Тоҷикистондаги офтобли товуқ фермаларида тухум маҳсулоти етиштириш  
Фермерларга маслаҳатлар

Кристин Ориол

Ушбу қўлланма Кристофер Вилтард томонидан яратилган ва 2009 йилда Ҳиндистон Химолайида ГЕРЕС ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган справочник асосида тузилди.

Тарроҳ  
Фарида Юнусова

---

Ушбу материал Европа Иттифоқи, Голландия Ички Ишлар Вазирлиги, Европа аёллар Иттифоқи Келажак Учун ташкилотлари томонидан маблаг таъминланиб, нашр қилинган. Ушбу материал мазмуни Европа Иттифоқи, Голландия Ички Ишлар Вазирлиги, Европа аёллар Иттифоқи Келажак Учун ташкилотлари нуқтаи назарини акс эттирмайди.



Ministry of Foreign Affairs of the  
Netherlands




# Тожикистондаги офтобли товуқ фермаларида тухум маҳсулоти етиштириш

Фермерларга маслаҳатлар



2013



## СҮЗБОШИ

2011 йилда маҳаллий жамият ташкилоти Нов ТЖҚА ва ГЕРЕС ҳалқаро ташкилоти томонидан Сүғд вилоятидаги Айний ноҳиясининг Фондарё жамоати ва Ашт ноҳиясининг Ошоба жамоатида кичик хўжаликларларга даромадларини ошириш бўйича кўмак бериш лойиҳаси амалга оширилди. Лойиҳа 2013 йилда ниҳоясига етиб, лойиҳа доирасида 70 та фермерларга паррандапарварликга оид ўқув семинарлар ўtkазилиб, товуқлардан олинадиган маҳсулотлар маҳсулдорлигини ошириш бўйича кўмак берилди.



Ушбу брошюра офтобли товуқхоналардан тўғри фойдаланиш, товуқлар озиқланиши ва гигиенасини яхшилаш ва қандай қилиб паррадачилик бизнесини режалаштириш ҳақида қўлланмадир. Асосий мақсад фермерларга бизнесларини устувор ривожлантиришлари учун воситаларни бериш.

Мазкур китобчада келтирилган маслаҳатлар устувор қишлоқ хўжалиги принциплари асосида-дир.

Устувор қишлоқ хўжалигининг мақсади – аҳолини сифатли озуқа билан таъминлаш ва шу билан бирга табий заҳиралардан (тупроқ, сув, ҳаво) оқилона фойдаланишdir.



## МУНДАРИЖА

Мавзу 1	Паррандачилик бизнесини бошлаш: илк қарорни қабул қилиш	6
Мавзу 2	Товуқлар учун мос мүхит яратышда офтобли товуқхонадан фойдаланиш	8
Мавзу 3	Товуқлар учун ҳарорат ва ёрүғлик	9
Мавзу 4	Ҳар бир офтобли товуқхоналар учун жиҳозлар	10
Мавзу 5	Озиқланиш жиҳозлари	11
Мавзу 6	Парваришилаш	12
Мавзу 7	Товуқлар рациони	13
Мавзу 8	Ӯз бизнес режангизни тузинг	14
Мавзу 9	Үй паррандаларини боқишиш ва касалликлар олдини олиш	16

# Мавзу 1

## ПАРРАНДАЧИЛИК БИЗНЕСИНИ БОШЛАШ: ИЛК ҚАРОРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ

### 1. Бизнес лойиҳа: товуқлар гүшт учунми ёки тухум учун?

Гүшт учун боқиладиган товуқ зотлари бошқа товуқларга нисбатан тана түзилиши йирик бўлади ва тез катта бўлади.

Улар 10 ҳафтада иқтисодий фойда келтирувчи вазнга эга бўлиши мумкин, лекин уларни гүштини сифати ёши каттароқ бўлганда (4-5 ойлик) яхши бўлади.

Тухум туғадиган товуқлар эса табий давра давомида маҳсулот беради: улар маълум давр давомида (10-20кун) давомида деярли ҳар кун тухум туғиб, кейин бир оз муддат тухумдан қолиши ва курк бўлиши мумкин.

Маҳсус зотли товуқлар эса тухум туғиши муддати узоқ бўлиб, улар курк бўлмайди. Қиш фаслида товуқлар ёз фаслидагига нисбатан кам тухум туғади. Жўжалар 4 ва 5 ойлик ёшга тўлганда тухум туға бошлайди. Уларнинг маҳсулдорлиги 1 ёшга тўлганда ўзининг юқори нуқтасига етади. Сўнг маҳсулдорлик аста секин пасая бошлайди. 5 ёшга тўлганда уларни маҳсулдорлиги энг паст нуқтасига етади. Яхши тухум берувчи товуқлар йилига 200тагача тухум туғади.

Бу зотли товуқлар тухум туғиши учун хўрор умуман керакмас. Агар тухумдан янги жўжалар очиб чиқиш зарурати туғилса 10 та товуққа 1 та хўрор кифоядир.

Баъзи зотлар аралаш, ҳам тухум ва ҳам гүшт беришга йўналтирилган. Лекин уларни ҳар икки йўналишда маҳсулдорлиги пастроқ. Маҳаллий зотлар маҳсулдорлиги пастроқ лекин улар чидамли, парвариш қилиш осон ва маҳаллий шароитга яхши мослашган бўлади.

Турар жойингизга яқин бозор ва дўконларни кузатинг, қайси парранда маҳсулотига талабот кучли? Тухумгами ёки товуқ гўштигами? Қайси бири кўпроқ даромад келтириши мумкин?

### 2. Товуқлар сотиб олиш

#### a/ Зот танлаш

Сиз жўжалар сотадиган шахслардан қўйидаги характеристикаларини сўрашингиз керак:

- Тухум ранги (оқ, оч қизил),
- Жўжа ранги,
- товуқ вояга етганда вазни қанча бўлиши, озукага бўлган талаботи,
- сотиб олаётган вақтингиздаги ёши.

Сиз яшаб турган минтақангизда қайси зотларни сотиб олиш имкони борлигидан хабардор бўлишингиз керак.

Суғд вилоятида қўйидаги маҳсус зотлар мавжуд:



ЛОМАН  
СИНДИ



ЛОМАН  
ЛСЛ КАЛССИК



ЛОМАН  
ЛАЙТ  
БРАУН



Зот	Ломан Синди	Ломан ЛСЛ Калсик	Ломан Лайт Браун
20 ҳаftалигидаги вазни	1460г	1386г	1640г
20 ҳаftалигидаги күнлик озуқа рациони	88г	89г	93г

Кейин сиз қайси бирини сотиб олишингиз кераклигига қарор қиласиз: катта товуқми, кичикими, озуқага талаботи каттасиними ...

#### b/ Таъминотчиларни (товук сотадиганларни) топиш

- Сиз алдамайдиган, ишончли зотларни сотадиган таъминотчини топишингиз керак.
- сиз неча ёшдаги жўжа сотиб олмоқчисиз. Агар ёш жўжа олмоқчи бўлсангиз, улар маҳсус эмлаш амалиётига муҳтождир. Энг қулай вариант: вояга етган ва тез кунларда тухум туғишига кирадиган товуқларни сотиб олган яхши.
- товуқларни сотиб олиб ҳўжалигингизга олиб келишга транспорт ҳарожотлари учун мабағ тайёрланг.

Тоҷикистонда мавжуд, маҳаллий зотлардан фарқли маҳсус зотларни сотиб олмоқчи бўлсангиз, катта товук фабрикаларига мурожаат қилишингиз мумкин.

Шаҳар	Фабрика номи	Кимга мурожаат қилиш мумкин	Телефон номери	Товуқ зоти
Истаравшан	Симурғ товук фабрикаси	Шеролиев Нурали	92 709 43 53	Ломан Браун, Ломан классик
Ваҳдат	Наврузи товук фабрикаси	Равшанов Исмоил	917041677	-

#### c/ Жўжаларни сотиб олиш

- жўжаларни қайси пайтда сотиб олиш кераклигини аниқланг: ёз фаслида ҳаво жуда ҳам иссиқ бўлиши мумкин, қишида эса тарнспортда олиб келиш қийинчиллик туғдириши мумкин,
- Товук сотиб олиш ва транспорт ҳарожоти учун қанча маблағ кераклигини ҳисобланг,
- Сиз янги жўжалар сотиб олгунгача бу товуқларни қанча мўддат боқишингизни режалаштиринг,
- нечта жўжа сотиб олмоқчилигингизни режалаштириб олинг,
- Молиявий имкониятларингизга қаранг: агар маблағингиз етарли бўлмаса қарз оласизми (банк, қариндошлар ёки қўшнилардан)?

## Мавзу 2


### ТОВУҚЛАР УЧУН МОС МУҲИТ ЯРАТИШДА ОФТОБЛИ ТОВУҚХОНАДАН ФОЙДАЛАНИШ

Товуқхона қишиңде маҳсулдорликни яхшилаш үчүн товуқларга қулай шароит яратишга асосланган холда қурилиши керак.

Жанубга қараб қурилиб бириктирилган иссиқхона қисми воситасыда жамланган иссиқни тунда яхши сақлаши үчүн товуқхона деворлари ва томи имкон қадар яхши изоляция қилиниши керак. Пол қисми эса ювиш үчүн осон бўлиши үчүн цемент қопламдан иборат бўлиши керак.


Қуёшли кунда бириктирилган иссиқхона ичи исиб кетиши мумкин.

Шундай холатда фермер товуқхона эшик ва деразаларини очади ва иссиқ ҳаво товуқхона ичи-га киради ва тунда товуқларга зарур шароитни юзага келтиради. Иссиқ ҳаво киргач, қайтиб чиқиб кетмаслиги үчүн фермер товуқхона эшик ва деразаларини ёпади



Ичкарида ҳосил бўлган ортиқча иссиқликни ва товуқлардан ажralиб чиққан турли газларни чиқариб ҳавони тозалаб туриш үчүн товуқхона мунтазам равишда вентиляция қилиб турилиши керак.

Ҳавони самарали равишда алмаштириш үчүн товуқхонани ва иссиқхонасини икки тарафидаги дарчаларни очиб туриш керак.



# Мавзу 3

## ТОВУҚЛАР УЧУН ҲАРОРАТ ВА ЁРУҒЛИК

### Ҳарорат

Ҳарорат 15°C дан паст бўлса, товуқлар асосий энергияни ўз танасини ҳароратини сақлашга сарфлаб тухум туғиши камайиши, ҳатто бутунлай тўхтаб қолиши ҳам мумкин.

Яхши қурилган ва тоза офтобли товуқхона товуқлар учун қулай муҳит ва шароитни таъминлаши мумкин.

Агар ҳарорат 20°C дан ортиб кетса товуқхона хоналари вентиляция дарчалари ва эшик ёрдамида салқинлантирилиши керак.

Ҳарорат баланд бўлган шароитда товуқларни ичиши учун доимий равишда сув бўлиши керак. Чунки товуқлар терламайди ва тана ҳароартини сув ичib салқинлатиб туради.

Товуқлар учун қаерда туриш, товуқхона ичидами ёки ташқи қисмдами, қулайлигини таъминлаш учун уларни бутун товуқхона бўйлаб эркин сайд қилиши учун шароит яратиш керак.

### Ёруғлик

Ёруғлик режими ҳам ўта муҳимдир. Озукланиши ёруғликга боғлиқдир: қанча ёруғлик кўп бўлса, товуқлар шунча кўп озуқа ейди.

Ёруғлик ритми шунингдек тухум маҳсулдорлигига ҳам таъсир кўрсатади: кунлар узун бўлганда (баҳорда) тухум маҳсулдорлиги ортади.

- Имкони бўлганда озуқани ташқарида ёки товуқхонага бириктирилган иссиқхонада беринг
- товуқлар зичлигига ҳам эътибор беринг: агар сиз тухум маҳсулоти олмоқчи бўлсангиз максимум 1 метр квадратга 4-5 та товуқ бўлиши керак

# Мавзу 4

## ХАР БИР ОФТОБЛИ ТОВУҚХОНАЛАР УЧУН ЖИХОЗЛАР

Товуқлар тунда құноқда тұнашни яхши күради.


Құноқлар полдан 1 метр баландликта бўлиши керак.  
Хар бир товуқ учун 30см масофа керак бўлади.

Улар орасидаги масофа 30-40сантиметр бўлиши керак.

Рисоладаги құноқ 4см йўғонликдаги қирралари олингандан құноқдир.

5 та туғадиган товуқ учун 1 та тухум туғиши хоначаси:

- Тухум туғиши хоначаси полдан 60 см баландликта жойлашган бўлиши керак,
- Ичкариси юмшоқ материал, масалан сомон, опилка ёки құм билан тўшак қилинган бўлиши керак,
- Хонача куб шаклида(40 x 40 x 40 см), олди қисми 25 см x 30см кенгликтада очиқ бўлиши керак,
- Хоначалар тоза ва дизенфекция қилинган бўлиши керак.



Товуқлар тунда кириб ётиб ифлос қилмаслиги учун тухум туғадиган хоначаларни ёпиб қўйиш тавсия этилади.



# Мавзу 5


## ОЗИҚЛАНИШ ЖИҲОЗЛАРИ

### Сув билан таъминлаш

Сув етишмаслиги тезда товуқларни ўлишига сабаб бўлиши мумкин.

Сув кун давомида товуқлар сонидан қатъий назар ҳар бир товуқ учун етарли миқдорда бўлиши керак.

Сув ичиш нуқталарини товуларингиз миқдорига мос равишда қилинг.



- Тоза ва ичишга яроқли сув беринг,
- Сувларни ҳар кун алмаштириб сув идишини тез тез тозалаб туринг,
- четида тешиги бор пластик чељак-чалар ва тарелкалардан фойдаланса ҳам бўлади.
- битта 3 литрлик чељак 20 та товуқка етади.

### Озуқа билан таъминлаш

Донхўраклар озукани исроф бўлиб тўкилишини олдини олиши ва озукани тоза сақланишига ҳизмат қилиши керак.

Улар товуқлар бўйи етадиган масофага жойлаштирилиши керак.

20 та товуқ учун узунлиги 1 метр, баландлиги 10 см ва қалинлиги 3 см бўлган битта донхўрак кифоядир  
Донхўраклар шундай жойлаштирилиши керакки, уларга товуқлар чиқиб олишига йўл қўйилмаслик керак, (масалан уст тарафига айланувчи труба ўрнатиш керак).



- Сув ва озуқа ҳар кун бир хил пайтда етказиб бериб турилиши керак.

# Мавзу 6

## ПАРВАРИШЛАШ

Товуқхонани доимий равишда тоза сақлаб пайидан бўлиш муваффақият калитидир.

Бир ойга бир марта товуқ гўнги олиб чиқиб ташланиши керак. Бунинг учун тўшак тўшаш керак. Масалан опилка ёки сомондан 5-10см қалинликда тўшалса гўнг полга ёпиишиб кетмайди ва олиш осон бўлади. Тўшак доим қуруқ ва тоза сақланиши керак.

Тўшак барча тўкилган нарсаларни ўзига олиб товуқхона тозалиги (донхўрак, сув идиши, тұхум туғиши хоначаларини) сақланишига ҳизмат қиласи. Агар тўшаклар доимий равишда тез -тез алмаштирилиб туриса товуқхона ичи ва унинг жиҳозлари доим тоза сақланади ва дизенфекция қилиб турлади.

Тұхумлар бир кунга икки марта териб олиниши керак: соат 12 ва 16 да. Тұхум туғиши вақти одатта соат 10 ва 14 га тўғри келади.

Юқорида айтилган пайтда тұхумларни йиғиб олиш тұхумлар синишини олдини олади.



ТОВУҚЛАР ЯХШИ ШАРОИТДА



ТОВУҚЛАР ЁМОН ШАРОИТДА

Ҳар күн товуқхонани бир кўздан кечириш товуқхонани яхши сақлашни ажралмас қисмидир. Товуқларни ўзини тутиши ва кўриниши товуқлар саломатлиги ва товуқхонадаги шароит ҳақида маълумот бериши мумкин. Товуқни касаллигидан дарак берувчи белгилари: бир жойга ётиб олиши, товуқларни агрессив бўлиши, тұхумларни синдириши, патларини тўкилиши.

Шунингдек фермер товуқ гўнгидаги ноодатий белгилар, маслан рангини ўзгариши, ичини кетиши, гўнгидаги қон изларидан ҳам товуқ касал бўлганини аниқлаши мумкин.

Кузатиб камчиликларни анқилай билиш бу фермерларга хос қобилият бўлиб у кўп йиллик тажрибалар натижасида ҳосил бўлади.

- Товуқлар донхўраги ва сув идишларини ҳар күн ювиш воситалари билан тозалаб туринг,
- Тўшакни камида бир ҳафтага бир марта янгилаб, товуқхона жиҳозларини дизенфекция қилиб туринг,
- Паррандаларингизни ҳар күн кўздан кечиринг,
- Тұхумларни бир кунга икки марта йиғиб олинг.

# Мавзу 7

## ТОВУҚЛАР РАЦИОНИ

Товуқлар ҳар нарсаны ейдиган жонивор ҳисобланади. Уларнинг озүқаси турли ингредиентлардан ташкил топаган бўлиши керак. Ўз товуқлари озүқасини балансини таъминлаш учун феремр тайёр холатдаги озуқалар аралашмаси: компбикорм сотиб олиши ёки маҳаллий маҳсулотлардан ўзи тайёрлаши мумкин.

Фермер товуқларининг ўзларига керакли моддалар: углеводлар, оқсил моддалар, липидлар, минераллар ва витамнлардан етарли миқдорда озиқланаётганига ишонч ҳосил қилиши керак:

- Дон маҳсулотлари (буғдой, макка, арпа, сули) углеводлар ва оқсиллар учун, кунлик рационни асосий қисмини ташкил қилиши керак (60% га яқин).
- Дуккаклилар ва уларнинг майдалангани (соя) оқсиллар даражасини яхшилаш учун қўшилади, лекин унинг рациондаги умумий миқдори 20% дан ўтмаслиги керак, чунки уларни кўпида токсин элементлар мавжуд,
- Оз миқдорда тўқимали оқсил манбалари (5дан 10%гача)ҳам керак (гўшт, қон, балиқ, ва сут маҳсулотларида бўлади),
- сабзавотлар ва кўкарған уруғлар (донли экинлар, чечивица) витаминалар билан таъминлайди,
- Тухум туғадиган товуқларга минерал элементлар, хусусан калций керак бўлади: суяклар (куйдирилган ва майдаланган), тухум пўчоқлари.

Маҳаллий маҳсулотлардан тайёрланган озуқа аралашмаси қўйидагилардан ташкил топиши мумкин:

Озуқа тури	Аралашмадаги нисбий %
Майдаланган макка	29
Майдаланган буғдой	25
Соя кунжараси	10
Буғдой кепаги	10
Нўхат ёки мош	5
Сабзи	6
Бўр	3
суякмайда	1
Мол қони	5
Кўк ўт (беда)	6

Товуқларга ейиши осон бўлиши учун бу маҳсулотлар дробилка ёрдамида майдаланса мақсадга мувофиқдир.

Кичик тавсиялар:

- Озуқа таркибини тўсатдан ва тез-тез ўзгартирманг.
- Вояга етган товуқлар учун кунлик рацион миқдори 120г, лекин бу шароит ва товуқни иштаҳасига қараб мос бўлиши керак,
- Ҳар замонда товуқлар ҳазм қилиш қобилиятини яхшилаш учун майдаланган тош (1 ёки 2 мм) беринг.

# Мавзу 8

## ЎЗ БИЗНЕС РЕЖАНГИЗНИ ТУЗИНГ

### 1/ Товуқларни боқиши: ўз ҳисоб китобингизни қилиб олинг

**а. Озуқа таркиби: сотиб олинган тайёр озуқа ва уйда ўзингиз тайёрлаган аралашма озуқа ўртасидаги фарқни ҳисобланг**

1/ Комбикорм нархи= сомони/ кг

Қаердан сотиб олинди:

Транспорт ҳарожотлари=

2/ Бозордан сотиб олинган маҳсулотлардан уй шароитида тайёрланган озуқа аралашмаси:  
6 мавзудаги таблицидадан келиб чиққан холда озуқа аралашмаси неча пул бўлишини ҳисобланг:

**б. Ҳамма товуқлар учун бир йиллик озуқа нархи:**

Товуқлар сони:		
Бир товуқга бир кунлик рацион	0,12	кг/кун
Ҳамма товуқлар учун бир кунлик озуқа (кг)	= товуқлар сони x 0,12=	кг/кун
Озуқанинг умумий нархи	= бир кунлик барча товуқлар озуқаси нархи x уйда тайёрланган озукани бир килосини нархи x 360=	сомони/йил

### 2/ Товуқхона жиҳозларини нархини баҳоланг:

Қурулиш нархи ёки қўноқлар, донхўраклар, сувдонлар, опилка, тухум туғадиган хоначалар нархи		сомони/йил
---	--	------------

### 3/ Товуқхонага сарфланадиган доимий ҳарожотларни ҳисобланг

Диққат қилинг, сифатли ветеренараплик ҳизматлари товуқхонангизни яхши сақлашнинг бош омилидир.

Препаратлар нархи/йил (вакцина, препаратлар)		сомони/йил
Витаминлар ва минераллар (/йил)		сомони/йил
Агар зарур бўлса ёрдамчилар маоши		сомони/йил
Сув		сомони/йил
Ёритиш учун электр энергияси		сомони/йил
Товуқхонани тоза тутиш		сомони/йил
УМУМИЙ НАРХ		сомони/йил

### 4/ Товуқлардан даромад олиш

**а. Товуқлар нобуд бўлишини ҳам эътиборга олинг**

Ўлиши		миқдор/ой
Тирик товуқлар/бир йилдан кейин қолган товуқлар		миқдор



### b. Гүштдан олинган даромад

Йил давомида гүшт учун сўйилган товуқлар		миқдор
Гүшт нархи		сомони/кг
Гүшт (кг)/товуқ		кг
Гүшт сотишдан тушган даромад		сомони/йил

### c. Тухумдан олинган даромад

Товуқларни умумий миқдори		миқдор
Ўрта ҳисобда ойлик тухумлар мидори		миқдор/ой
Тухумларни сотилган нархи		сомони
Ҳар ой тухум сотишдан олинган даромад		сомони/ой
Тухум сотишдан олинган йиллик даромад		сомони/йил

### d. Сиз маҳсулотларингизни қаерда сотмоқчисиз?

Сиз тухум ёки товуқ гүштини қаерда сотмоқчисиз?		-
Сотиб келиш учун сарфланадиган транспорт ҳарожоти		миқдор/ой
Сотишдан тушган маблағ		сомони/йил

### 5/ Фойдангизни ҳисобланг

#### НАРХЛАР

Товуқлар сотиб олиш		сомони/йил
Озуқа сотиб олиш		сомони/йил
Товуқхонани таъминлаш		сомони/йил
Товуқхонани доимий ҳарожотлари (умумий нарх)		сомони/йил
Товуқхонани қуриш (нарх/фойдаланилган йиллар)		сомони/йил
Маҳсулотларни сотиш		сомони/йил
Умумий ҳарожотлар		сомони/йил

#### ДАРОМАД

Гүшт ва тухум сотишдан олинган йиллик даромад		сомони/йил
<b>ДАРОМАД-ХАРОЧОТ</b>		<b>сомони/йил</b>

#### Хулоса

Сизни бизнесингиз даромадлими?

Уни қандай қилиб янада даромадли қилиш мумкин?

# Мавзу 9

## ҮЙ ПАРРАНДАЛАРИНИ БОҚИШ ВА КАСАЛЛИКЛАР ОЛДИНИ ОЛИШ

### Турли парранда түрларини бир жойда парваришлаб боқишдан сақланинг:

Янги сотиб олинган паррандаларни офтобли товуқхонада яшаётган паррандаларга құшиш турли муаммоларни келтириб чиқаради, масалан аввал келтирилған паррандалар янгилари билан үруш қилиб чўқиб ташлаши мүмкин.

Шунингдек янги келган паррандалар орқали касаллик ҳам юқиши мүмкінлик ҳавфи бўлгани учун ҳам бундай йўл тутиш тавсия қилинмайди. Агар шундай қилишга тўғри келиб қолса, унда карантин даври ўтгандан кейин қўшиш керак. Янги паррандаларни эскиларига қўшиш учун энг қулай пайт тунда, товуқлар ухлаганда ва атроф сокин бўлган пайтда. Агар хўroz бор жойга яна хўroz келтириб қўшиб қўйилса иккита хўroz бир бири билан үруш қилиши ва бир-бирини нобуд қилиши мүмкин.

### Гигиена қоидаларига қатъяян риоя қилинг

Юқумли касалликлар паррандачиликни барбод бўлишини асосий сабабидир. Кўплаб хатарлар гигиена қоидаларига қатъяян риоя қилиш, хусусан офтобли товуқхонани ва унинг жиҳозларини тез-тез ювиш ва дизенфекция қилиш орқали бартараф қилинади. Сувни ҳар кун алмаштириб тuriш ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Бошқа жониворлар товуқхона ичига ва товуқлар озуқасига яқин келишига йўл қўймаслик керак. Каламуш, сичқон ва бошқа қушлар касалликларни олиб келиб товуқларга юқтириши мүмкин.

Шунинг учун товуқхона хоналари, олд қисми, вентиляциялар дарчалари ва озуқа сақланадиган жойлари сетка билан беркитилиши керак.

Товуқхонага кирувчилар ҳам бошқа товуқхоналардан оёқ кийимлари орқали касалликларни олиб келиши мүмкин.

### Ташқаридан ёки бошқа товуқхоналардан келадиган ифлосликларга йўл қўйманг:

Бўшаб қолган товуқхонага янги товуқлар қўйиб юборишдан олдин у ерга яхшилаб ишлов бериш керак ва микроб ва касалликларни бутунлай йўқ бўлишини таъминлаш керак.

- ҳар бир жойини сув ва ювиш воситасида диққат билан ювинг
- Катаклар ва жиҳозларини дизенфекция қилинг (деттол эритмаси, фенил ёки хлор билан).
- Ҳамма ерига инцепцид сепинг.
- Катакларни камида 15 кун бўш қолдиринг.

### Вакцинациялар

Жўжаларни вакцинация қилиш фақат мутахассис маслаҳати билан қилинади. Вакцинация қилинган жўжаларни сотиб олишга ҳаракат қилинг.



## Медик құшымчалар

Озуқавий құшымчалар озиқланиши баланси бузилиши натижасида келиб чиқадиган касалликларни олдини олади. Улар товуклар ичадиган сұвига ҳар 5 күнда ёки бир ойга бир бор құшилади.

Масалан:

- минерал құшымчалар
- Витамин құшымчалар ва аминоксид құшымчалар

Касаллик пайдо бўлганда, ўта маҳсус гигиеник ва профилактик тадбирларга амал қилиш керак:

- Касал паррандани алоҳида қилиб қўйиш керак,
- Ветеренар билан маслаҳатлашиб унинг маслаҳатларига амал қилиш керак,
- Ўлган паррандани лабараторияга олиб келиш керак,
- Ўлган паррандани товуқхонадан узоққа ёкиб ёки кўмиб ташлаш керак.

## ҚАЙДЛАР





#### GERES - ТОЖИКИСТОН

Манзил: Тожикистон Республикаси, Душанбе шаҳри, Ҳамза Ҳакимзода кӯчаси 79  
Телефон: (+992) 37 880 65 64  
E-mail: tajikistan@geres.eu  
Web: [www.geres.eu](http://www.geres.eu)

#### НОВ ТАРАҚҚИЁТ ЖАРАЁНЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ АГЕНТЛИГИ

Манзил: Тожикистон Республикаси, Хужанд шаҳри, Ленин кӯчаси 20-34  
Телефон: (+992 34) 224-53-20; 6-03-62  
E-mail: office@agencynau.tj  
Web: [www.agencynau.tj](http://www.agencynau.tj)